

СҮХДА ЯНГИ КҮПРИК ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят секторлари раҳбарлари билан Сўх туманида ижтимоий-иктисодий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар билан танишиш жараёнида, туманнинг Шарқобод маҳалласида қуриб битказилган янги кўприкнинг фойдаланишга топшириш тадбирида иштирок этди.

Туман марказини Шарқобод билан боғланадиган бу замонавий иншоотнинг реконструкция қилиш ишлари учун 5 миллиард 170 миллион сўм маблағ сарфланди.

Курилган янги замонавий куприк тумани аҳлига арзирли янги йил тухфаси бўлди. Бугунга қадар аҳоли метал конструкциядан барпо этилган хавфсизлик даражаси етарли бўлмаган кўприкдан фойдаланиб келарди.

Сўхликлар, вилоят ҳокими билан мулоқот чоғида Президентимизнинг туманнинг ривожи учун алоҳида эътиборларини ҳар кун, ҳар жабҳада ҳис этиб туришганини таъкидлаб, давлатимиз раҳбарига ўз миннатдорчиликларини изҳор қилишди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-12-30 18:45:36